

1100422 - сон
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил "05" Январ

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда матнда – Компания деб юритилади) номидан 2021 йил "30" декабрь 27-01-14/6019 - сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори Ф.Ш.Рустамов, бундай бўён "Оператор" деб номланувчи, бир томондан ва

Ш.Ш.Рустамов номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Бош ишқорхона А.С. Чибатов, бундай бўён "Абонент" деб номланувчи, иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда матнда – Шартнома деб юритилади) қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 – 369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ҳақидаги абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта деб юритилади) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлар асосида Оператор билан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича Шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Операторнинг Оммавий офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилгандан сўнг Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат туридан ва ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонилар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш умумэтироф этилган маданиятга амал қилиш ҳамда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширишади.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар кўрсатилганидан кейин тўлов тўлаш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмати тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг** умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмати тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) _____
(750 000,0) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма _____
(_____) сўм миқдоридagi Абонент тўловини ҳамда _____
(194 085,0) миқдоридagi бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартнома умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг шахсий ҳисобварағида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатишни тўхтатади.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни шунингдек, ҳисобот даври (календар ойи) учун исталмаган тўловларни олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календар ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календар ойида тақдим этилмаган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоби баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади. Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно.

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишни имкони бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасисиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилишади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги муурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклдаги жавоб берилади. Бунда муурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (муурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайдан бошлаб кучга киради. Агар Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугагандан сўнг Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонент таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонентга нисбатан ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 ____ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартномани имзоланиши Оферта акцептини (Абонентнинг оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.


7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада, ҳар бир томон учун биттадан расмийлаштирилган.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Оператор

Абонент

Филиал "ТШТТ"
АК «Ўзбектелеком»:
100015, Кичик Халка йули кўчаси, 2а уй
ИНН: 203366731 МФО: 00401
ОКЭД: 61100
х/р: 20210000504074838073
АК «Алокабанк»
Тел.:



Шаҳар болалар тиббий маслаҳат диагностика Маркази
г.Ташкент, ул. Махтумқули д.2
Тел.: 289-72-31, 233-08-96
Молия Вазирлиги Газначилиги
P/c қаз: 23402600300100001010
ИНН: 201 122 919 МФО: 00014
Тошкент шаҳар Марказий Банк ХККМ
П/с: 100021860262907072202054004
ИНН: 200 835 664 МФО: 00014
ОКЭД: 91514 ОКЭД: 86220



Шабатов Н.Е.

*Юриконсультант
Д. Харисов.*

Қўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Рақам	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдор	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7
I. Бир марталик тўловлар						
II. Хар ойлик абонент тўловлари						
2.1	712330896	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.2	712330896	Тех. обслуживание ТА	235.00	Прейскурант	1	235.00
2.3	712333872	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.4	712333872	ДВО. Предостав. номера вызыв. абонента для ТА с АОН на ЭАТС	1,820.00	Прейскурант	1	1,820.00
2.5	712333872	Тех. обслуживание ТА	235.00	Прейскурант	1	235.00
2.6	712335053	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.7	712335053	ДВО. Переадресация вызова (безоговорочная переадресация)	1,576.00	Прейскурант	1	1,576.00
2.8	712335053	ДВО. Предостав. номера вызыв. абонента для ТА с АОН на ЭАТС	1,456.00	Прейскурант	1	1,456.00
2.9	712335053	Тех. обслуживание ТА	235.00	Прейскурант	1	235.00
2.10	712894166	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.11	712894202	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.12	712894255	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.13	712894262	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.14	712894347	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.15	712894399	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.16	712894415	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.17	712894450	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.18	712894456	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.19	712894458	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.20	712894473	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.21	712894481	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.22	712894482	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.23	712894496	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.24	712894497	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.25	712894526	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.26	712895464	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.27	712895464	ДВО. Переадресация вызова (безоговорочная переадресация)	1,576.00	Прейскурант	1	1,576.00

2.28	712895464	ДВО. Предостав.номера вызв.абонента для ТА с АОН на ЭАТС	1,456.00	Прейскурант	1	1,456.00
2.29	712897231	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.30	712897243	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.31	712897243	ДВО. Переадресация вызова (безоговорочная переадресация)	1,576.00	Прейскурант	1	1,576.00
2.32	712897243	ДВО. Предостав.номера вызв.абонента для ТА с АОН на ЭАТС	1,456.00	Прейскурант	1	1,456.00
2.33	712897251	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.34	712897253	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.35	712897254	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.36	712897254	ДВО. Переадресация вызова (безоговорочная переадресация)	1,576.00	Прейскурант	1	1,576.00
2.37	712897254	ДВО. Предостав.номера вызв.абонента для ТА с АОН на ЭАТС	1,456.00	Прейскурант	1	1,456.00
2.38	712897261	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
Жами (олдиндан тўлов)						194,053.00

Жами олдиндан тўлов микдори 194053 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдориди.


Шартноманинг умумий микдори 194,053.00 сўмни ташкил этади. Ундан 194,053.00 сўм микдориди ойлик абонент тўлови хамда 0.00 сўм бир маротабалик уланиши учун рўйхатга олиш тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АК
“ТШТТ” филиали

АБОНЕНТ:
ГОР.МЕД.ДЕТСКИЙ КОНСУЛЬТ.-ДИАГНОСТИЧ.ЦЕНТР

Оператор номидан:

Абонент номидан:


/имзо/
м.ў.

Рустамов Фаррух Шорухович




/имзо/



LITSENZIYA
ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005657

Litsenziya turi / Вид лицензии: Типовая

Berilgan sana / Дата выдачи: 21 августа 2015 г.



Litsenziyaning amal qilish muddati: 22.02.2007г. dan 22.02.2017г. gacha
Срок действия лицензии: с по



Litsenziatning nomi: Акционерная компания «О'ZBEKTELEKOM»
Наименование Лицензиата: г.Ташкент, Юнусабадский р-н, проспект Амира Темура, д.97А, р/с 20210000904074838001
Litsenziatning manzili va bank rekvizitlari / в ОПЕРУ АК «Алокабанк» г.Ташкент, МФО 00401, ИНН 203366731
Адрес и банковские реквизиты Лицензиата

USHBU LITSENZIYA BILAN FAOLIYAT KO'RSATISHGA RUXSAT ETILADI:
НАСТОЯЩЕЙ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАЗРЕШЕНО ОСУЩЕСТВЛЯТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ:

Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг
местных сетей телекоммуникаций

ILOVA QILINGAN LITSENZIYA SHARTNOMASIGA MUVOFIQ
В СООТВЕТСТВИИ С ПРИЛАГАЕМЫМ ЛИЦЕНЗИОННЫМ СОГЛАШЕНИЕМ



Rahbarning imzosi: 
Подпись руководителя: ✓
Litsenziyaning amal qilish muddati: 23.02.2017г. dan 23.02.2032г. gacha uzaytirildi
Срок действия лицензии продлен: с по


Rahbarning imzosi: 
Подпись руководителя: ✓
Litsenziyaning amal qilish muddati: _____ dan _____ gacha uzaytirildi
Срок действия лицензии продлен: с по

M.O' / M.П. Rahbarning imzosi: /
Подпись руководителя:

(Pova qilingan litsenziya shartnomasi) mazkur litsenziyaning ajralmas qismidir
(Прилагаемое лицензионное соглашение является неотъемлемой частью настоящей лицензии)

Реестр № 744



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

GUVOHNOMA

Reestr № **10-000240**

№ 004060

2010 yil "19" iyul

Mazkur guvohnoma

"O'ZBEKTELEKOM"

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Ochiq aksiyadorlik jamiyati

THSH (OΠΦ)

1150

Aksiyadorlik kompaniyasi

MSHT (ΦC)

144

Mulkchilik shakli:

Aksiyadorlar

MHBT (COATO)

1726266

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

A.TEMUR SHOX KO'CHASI, 24-UY

KTUT (OKΠO)

17820078

Yuridik shaxs kodi:

XXTUT (OKOHX)

52300

Asosiy faoliyat turi:

Elektr va radio aloqasi

STIR (IHII)

203366731

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:


Qo'shimcha ma'lumotlar:

AVVAL ADLIYA VAZIRLIGIDA 2000 YIL 10 AVGUSTDAGI

1317-SONLI REESTR RAQAMI BILAN RO'YHATGA OLINGAN

Vakolatli organ boshlig'i

S.M. Tairshikov





№ 1401-14/013
30.07.2018

ИШОНЧНОМА

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 28А-уйда жойлашган “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринда – Компания) номидан, ваколатли орган томонидан 2021 йил 27 январда рўйхатдан ўтган янги тахрирдаги Компания Устави асосида фаолият юритувчи, Компания бош директори Хасанов Назиржон Набижанович, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 47, 138 – 140-моддалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 7, 79-моддаларига асосан мазкур ишончнома орқали Компаниянинг “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали (кейинги ўринда – Филиал деб юритилади) директори Рустамов Фаррух Шоруховичга (RUSTAMOV FARRUX SHORUXOVICH, паспорт маълумотлари: серия АА, № 2851184, 14.09.2013 йилда Тошкент шаҳар Ювусобод тумани ИИБ томонидан берилган) Компания номидан қуйидаги ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқини бериш:

мазкур ишончнома ва “Ўзбектелеком” АҚнинг “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали тўғрисидаги Низомга асосан берилган ваколатлар доирасида Филиал фаолиятида умумий раҳбарликни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўз ваколатлари доирасида Филиал фаолияти билан боғлиқ буйруқлар, фирмойишлар ва бошқа ички ҳужжатларни қабул қилиш, тасдиқлаш (имзолаш);

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ Компания номидан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш (Филиал ва унинг таркибий тузилмаларига ишга қабул қилиш ёки андан бўшатиш муносабатлари), Филиал ходимларини Филиалнинг бошқа таркибий тузилмасига ўтказиш орқали меҳнат шартномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (қўшимча келишувлар тузиш), Филиал ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш. Бунда мазкур ваколатларни ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишига йўл қўйилмайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суд органларида (шу жумладан, ҳакамлик судлари ва арбитражларда) ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида иштирок этиш (суд мажлисларида, процессуал ҳаракатларида иштирок этиш), даъвогар ва жавобгар сифатида тегишли ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек учинчи шахс сифатида иштирок этиш, даъво аризаларини ва шикоятларни имзолаш (шу жумладан апелляция ва кассация инстанцияларига аризалар ва шикоятлар киритиш), даъво талабини ўзгартириш ва ёки тўлдириш, даъво талабларини (эътирозларни) қабул қилиш ёки рад этиш, келишув битимини тузиш, Компания фойдасига (Филиал фаолияти доирасида) қабул қилинган суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижрога қаратиш ва ушбу ҳужжатларни ижро этиш жараёнида пул маблағлари ёхуд бошқа моддий қимматликлар (мол-мулк)ни Филиал балансига қабул қилиш, ушбу ваколатларни ишончнома асосида Филиалнинг маъсул ходимларига ўтказиш. Бунда даъво аризаларни ва шикоятларни имзолаш, шу жумладан апелляция ва кассация инстанцияларига, даъво талабини ўзгартириш ёки

тўлдириш, даъво талабларини (эътирозларни) қабул қилиш ёки рад этиш, келишув битимини тузиш ваколатларини ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Филиал ваколатлари доирасида жисмоний шахслар, мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахслар билан телекоммуникация хизматларини ва бошқа хизматларни кўрсатиш ҳақидаги шартномалар (уларга қўшимча келишувлар/битимлар) тузиш ёки бекор қилиш (имзолаш), ушбу ваколатларни Филиал директорининг ўринбосарларига (директор ўринбосарига ўз бўйсунувидаги Филиалнинг бошқа масъул шахсларига ишончнома бериш ҳуқуқи билан) ишончнома асосида ўтказиш ҳуқуқи билан;

Филиал ваколатлари доирасида ва Филиал эҳтибжлари учун зарур бўлган, умумий қиймати 50 000 (эллик минг) АҚШ доллари эквивалентидан (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан имзоланган кунда белгиланган чет эл валютаси курсида) олмаган миқдорда товарлар, ишлар ва хизматларни етказиб берувчилар билан шартномалар (уларга ва илгари тузилган шартномаларга қўшимча келишувлар/битимлар) тузиш ёки бекор қилиш (имзолаш), шу билан бирга, Компания харидлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Комиссиясининг тегишли қарорлари асосида шартномалар (уларга ва илгари тузилган шартномаларга қўшимча келишувлар/битимлар) тузиш ёки бекор қилиш (имзолаш), бунда мазкур ваколатларни ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишига йўл қўйилмайди;

ушбу ишончнома доирасида тузилган шартномалар (шу жумладан, илгари тузилган шартномалар) бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳужжатларини (шу жумладан, ҳисоб-фактуралар, бажарилган ишлар тўғрисидаги даволатномаларини, такдослаш ва ўзаро ҳисоб-китоб даволатномалари) ва бошқа зарур ҳужжатларни имзолаш, ушбу ваколатларни Филиал директорининг ўринбосарларига ишончнома асосида ўтказиш ҳуқуқи билан;

Филиал хўжалик фаолиятида зарур бўлган банк операцияларини амалга ошириш.

Филиал директори Ф.Ш. Рустамов ушбу ишончнома доирасида амалга оширилган ҳаракатлари, шу жумладан имзоланган шартномалар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги, қонунийлиги ҳамда айрим ваколатларни ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги (маъбуллиги) учун жавобгардир.

Ушбу ишончнома 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

Ушбу ишончноманинг амал қилиш муддати Компания бош директори томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

Рустамов Фаррух Шоруховичнинг _____ имзо намунасини тасдиқлайман.

Персонал билан ишлаш бошқармаси бошлиғи М. Шайматов _____

Бош директор

Н. Хасанов